



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

7 март, пайшанба, 1996 йил Сوتуда эркин нархда. № 48 (1301)

Ислом КАРИМОВ: «ТАНЛАГАН ЙЎЛИМИЗНИНГ ТЎҒРИЛИГИГА ИШОНЧИМИЗ КОМИЛ»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ РОССИЯЛИК ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВИ

(Охири. Боши ўтган сонларда). САВОЛ: Ислом Абду-ганиевич, 2 миллионга яқин Ўзбек миллатига мансуб киши Афғонистоннинг шимолий вилоятларида яшайди. Уларнинг етакчиси — Абдурашид Дустум — анчагина нуфузга эга бўлган киши — бир неча марта қандайдир буюк Ўзбек давлати барпо қилиш тўғрисида гапирган эди. Сиз бунни қилдизми? И. КАРИМОВ: Биринчидан, Афғонистоннинг шимолийда икки миллионга яқин узбек...

ни тожик генерали, деб атамаймиз? Бу қанақа ёндашув? Мен бунда маълум бир имо-шорани кураман. Шунинг учун ҳам жаноб Дустум тўғрисида гап кетганида, унга Афғонистон фуқароси, деб қараш тўғри бўлади. Хуллас, гап узбеклар тўғрисидагина эмас, умуман, Афғонистон ҳақида бормоқда. Биз Афғонистонни ягона давлат сифатида биламиз. Мен Афғонистоннинг бўлини-маслиги ва яхлитлиги тарафдори эканим тўғрисида гап қилганим. Афғонистоннинг қабила ва миллат белгилари буйича парчала-

ниб кетишидан худо арасин. Бу ҳодиса унинг қўшниларига, бошқа давлатларга ҳам ёмон таъсир қилади. Бунга ишончим комил. Дарвоқе, жаноб Аҳмадшоҳ Масъуднинг Хуросон деб аталадиган буюк тожик давлати барпо этиш тўғрисидаги фикри-чи? Дустумни биласизлар. Масъуд тўғрисида ҳам эпитетамсизлар? Бизнинг бу масаладаги фикримиз аниқ: биз Афғонистонда тинчлик урнатилиши лозим бўлган пойдеворнинг асосини мамлакатнинг яхлитлиги ташкил этиш лозим, деб қараймиз. Бундан Ўзбекистон ҳам манфаатдор. Дарвоқе, Дустумнинг буюк Ўзбек давлати барпо этиш тўғрисидаги баёноти хусусида. Мен бу тўғрида ҳеч нарса эшитганим йўқ. САВОЛ: Сиз у билан тез-тез алоқа боғлаб турасизми? ЖАВОБ: Шунинг оқибидан айтишим мумкин, мен жаноб Дустум билан бирон марта ҳам учрашганим йўқ. Ҳа, биз Афғонистонга, тўғрироғи, Афғонистоннинг шимолий қисмига ёрдам берамиз. Фақат инсонпарварлик ёрдами берамиз. Галла, текин элктр энергияси бера-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ БОЗОРЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ВА УЛАРНИ БОШҚАРИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Озик-овқат ва буюм бозорларини бошқаришни тартибга солиш, бозорларда савдо-иштининг тартибдорлигини таъминлашнинг манфаатлари ҳимоя қилини ахши-лаш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бозорларнинг фаолиятини тартибга солиш ва аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ: 1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, «Ўзтайёрловсавдо» уюшмаси ва республика туманлари (шаҳарлари) ҳокимликларининг: 1. Дехон ва буюм бозорлари, ярмаркалари негизда бошқаришни намунавий тузилмасига эга бўлган очик турдаги акционерлик жамиятларини ташкил қилиш, бозор дирекцияси ходимлари сонини (хисоб-китоб ходимларидан ташқари) 5 нафардан 17 нафаргача этиб белгилаш; акцияларнинг назорат пакети туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларига ёки уларнинг ваколатли органларига, шу жумладан, «Ўзтайёрловсавдо» уюшмаси ташкилотлари улушларини сотиб олиш ҳисобига, бириктириб қўйиш тўғрисидаги тақдирлари қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси «Ўзтайёрловсавдо» уюшмаси ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда бозорлар ва ярмаркалар негизда ташкил этиладиган очик турдаги акционерлик жамиятларини намунавий уставини ишлаб чиқин ва белгилаган тартибда тасдиқласин. Маълумот учун қабул қилинсинки: ташкил этиладиган акционерлик жамиятларининг қузатув кенгашини, бошқарувини ва тафтиш комиссиясини акционерларнинг умумий мажлиси сайлади; бозорлардаги мулкдан фойдаланишдан, хизматлар кўрсатишдан тушадиган пул маблағларини ҳисобга олишни ташкил этиш ва маблағларнинг сарфлишини буйича ҳисоботларни юритиш билан шуғулланувчи ходимлар, туман (шаҳар) ҳокимликлари

билан келишилган ҳолда, акционерлик жамияти бошқаруви томонидан тайинландилар. 3. Тошкент шаҳар ҳокимлиги бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси билан биргаликда Тошкент шаҳри бозорлари ва ярмаркалари акционерлик жамиятларини уюшмасининг тузилмасини ва уставини ишлаб чиқин ва белгилаган тартибда тасдиқласин. 4. Бозорлардан фойдаланишдан тушадиган даромадларни шакллантириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги намунавий Низом тасдиқласин. 5. Бозорлар ва ярмаркалар хузурида қишлоқ ҳўжалиги махсулотларини ва бошқа истеъмол товарларини, шу жумладан, узок муддатли фючерс контрактлари асосида улгуржи харид қилишни йўлга қўйиш буйича ихтисослаштирилган бўлиналар ташкил этиш мақсадида мувофиқ деб ҳисобласин. Кўрсатиб ўтилган ихтисослаштирилган бўлиналар томонидан қишлоқ ҳўжалиги махсулотларини ва бошқа истеъмол товарларини сотишдан тушган нақд пулларнинг 15 фоизгачасини махсулотларни бевосита ишлаб чиқарувчилардан харид қилишни ташкил этиш учун мазкур бўлиналар ихтиёрида қолдиришга рухсат берилсин. 6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари: туман (шаҳар) ҳокимлиги, Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўзтайёрловсавдо» уюшмаси ҳудудий бўлиналари, ҳудудларда бозорлар жойлашган фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари вакиллари билан иборат тартибда аттестация комиссияларини тuzсинлар. Бир ой муддатда дехон ва буюм бозорлари директорларини уларнинг эғаллаб турган лавозимлари мувофиқлиги ёки муво-

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ БИРОДАРИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА


Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳу ва барокотуху. Аҳли ислом муқаддас Ийд ал Фитри байрам қилаётган бир пайтда Саудия Арабистони халқи ва ҳукумати ҳамда шаҳсан ўз номидан Сиз, жаноби олийларига қардошлиқ табриги ва самимий истаклар йўллаш менга мамнуният бағишлайди. Қодир Оллоҳдан бу байрам эзгуликка ва хайру баракага тўлиқ бўлишини, Сиз, жаноби олийларига мустаҳкам сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, мамлакатингизнинг биродар халқига эзгулик ва равақ, бизнинг мусулмон умматига абадий шон-шавкат ва зафар келтиришини илтижо қиламан. Самимий табрикларим ва чуқур эҳтиромимни қабул эттайсиз. Икки муқаддас ҳарам ҳодими Фаҳд бин Абдул Азиз ол-САУД, Саудия Арабистони Подшоҳи.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳу ва барокотуху. Муқаддас Ийд ал-Фитр байрами муносабати билан Сиз, жаноби олийларига чин қалбидан қардошлиқ қўтлови ва самимий истаклар йўллашдан мамнунман. Бу байрам ҳар йили Сиз, жаноби олийларига, мамлакатингизнинг биродар халқига ва барча ислом умматига доимий равақ ва фаровонлик келтиришини Оллоҳдан илтижо қиламан. Самимий қўтловим ва чуқур эҳтиромимни қабул эттайсиз. Абдулла бин Абдул Азиз ол-САУД, тахт вориси, Саудия Арабистони Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари, Миллий гвардия бошлиғи.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА УЧРАШУВ

6 март кунини Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султонов Америка Қўшма Штатларининг МДХ давлатларидаги сиевати бош мувофиқлаштирувчиси Джеймс Коллинс раҳбарлигидаги делегация аъзолари билан учрашди. Музокаралар чоғида Ўзбекистон билан Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги алоқаларнинг тобора ривожланиб бораётгани қайд этилди. Бу борадаги мавжуд имкониятлардан янада унумлироқ фойдаланиш икки мамлакат халқлари манфаатларига мос экани таъкидланди. Учрашувда Ўзбекистон билан Америка Қўшма Штатлари ўртасида турли соҳалардаги ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Учрашувда АҚШнинг Ўзбекистондаги Факулдда ва Мухтор элчиси Стенли Тумлер Эскудеро иштирок этди. Шу кунини АҚШ делегацияси аъзолари республикамиз Олий Мажлисида, шунингдек, Ташқи ишлар ва Мудофаа вазирликларига ҳам ташриф буюриб, Олий Мажлис Раиси Э. Халитов, ташқи ишлар вазири А. Комиллов ва мудофаа вазири Р. Аҳмедов билан музокаралар ўтказдилар. (ЎА).



Ранжон полков Дехонов номини нафақат Балчиқ туманида, балки Фарғона вилоятисда яшаш билади. У икки ой бу ёнча ўрта Оси ва Қўзғистон Республикасининг мутлак чегираси. 7 март куни буйича чегирани булга. Унлаб повонларнинг ўтаси. Янгида «Бўстон» жаноб ҳўжалиги дехонлари повонга ишонч билдириб, уни бригадлага бошлиқ қилиб тайинлади. Унинг бригадаси ҳозир 30 гектар майдондаги бугдойни парвариш қилмоқда, шунингдек 40 гектар орта чегит экинни мўлкалаб туршибди. Повон дехончилигида ҳам брш келмаслиги учун ҳаракат қилмоқда. Суратди: Ранжон Дехонов. Тохиржон Хамроқов олган сурат.

Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамасида гапирган эди

МАСЪУЛИЯТ ВА МАНФААТДОРЛИК

Фарғонада контрактация шартномаси тузиш маданияти, унинг ижроси учун узаро масъулиятни кучайтириш масалаларига бағишланган минтақавий семинар-кенгаш бўлди. Унда Наманган, Фарғона, Андижон вилоятлари шаҳар ва туманларининг ҳокимлари, тегишли вазирлик, ташкилот ва идоралар раҳбарлари, тадбиркорлар, фермер (деҳон) ҳўжаликлари вакиллари иштирок этди. Кенгашни Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев бошқарди. Муҳокама этилган масала юзасидан республика Бош вазирининг ўринбосари, Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси раиси В. Чўён маъруза қилди. Маърузачи ва сўзга чиққанлар Вазирлар Маҳкамасида шу йил 29 февралда бўлиб ўтган мажлисда махсулот ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар ўртасидаги шартнома муносабатларини ривожлантириш долзарб масала сифатида кўрилганини таъкидладилар. Жумладан, бозор иқтисодиёти шароитида улар ўртасида ҳамкорлик ва манфаатдорлик муносабатларини шакллантириш, контрактация шартномалари асосида иш юритиш мазкур вилоятларда ҳам кўрилгандадек амалга келди. Хусусан, аксарият шартномалар номингагина тузилмади. Кўпгина ҳолларда ишлаб чиқарувчилар манфаати ҳимоя қилинмапти. Шартнома талаблари қандай бажарилаётгани билан тегишли идора ва маҳаллий ҳокимликлар етарлича шуғулланмапти. Назорат қилиш, шартнома талабларини бажарган билан томонлар чора кўриш ишларини тақомиллаштириш зарур. Кенгашда хоржий шериклар билан шартномалар тузишда амалдаги қўнларга риоя этиш, зарур ҳолларда тегишли улусни ана шу қўнлар асосида ундириб олиш лозимлиги, бунинг учун аса ҳўжалик раҳбарлари,

ШАРТНОМА ТУЗДИГМИ — БАЖАР

Самарқандда халқ ҳўжалигида шартнома амалиёти ва контрактация тузиш масалаларига бағишланган минтақавий семинар-кенгаш бўлди. Унда Самарқанд, Жиззах, Бухоро ва Навоий вилоятлари шаҳар ва туманлари ҳокимлари, ҳоким ўринбосарлари, саноат корхоналари, ҳўжаликлар, банклар, хўкуки муҳофаза қилиш органлари, шунингдек, республиканинг тегишли вазирлик ва идоралари вакиллари иштирок этди. Кенгашни Самарқанд вилояти ҳокими А. Мардиев бошқарди. Республика Бош вазирининг ўринбосари, Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси раиси В. Чўён кенгашда сўзга чиқиб, халқ ҳўжалигида шартнома амалиёти ва контрактация шартномаларини тузиш, унга амал қилиш қандай бораётгани хусусида тўхтади. Республикада халқ ҳўжалиги тармоқларининг 85 фоизи хусусий сектор тасарруфидан бўлиб, ишлаб чиқаришда банд бўлган аҳолининг 65 фоизи ана шу соҳада ишламоқда. Ҳозирги вақтда мулкчиликнинг янги шаклларида ишлаш борасида муйанж тажриба тўпланди. Бирок жойларда контрактация шартномаларини тузиш ва уларга амал қилиш талаб даражасида эмас. Бу ҳақда 29 февраль кунини Вазирлар Маҳкамасида 1995 йил якуни ва жорий йилдаги ваазифаларга бағишланган ўтказилган мажлисда ҳам алоҳида таъкидланган эди. Шартномаларнинг кўпиди томонларнинг бурч ва ваазифаларини аниқ белгилаб қўймаслик, баъзан аса шартномага риоя қилмас-

НАЗОРАТ ЎРНАТИШ ЗАРУР

Республикамизда бозор муносабатлари шаклланиб бораётган, мулк давлат тасарруфидан чиқарилиб, ҳақиқий эгасини топаётган ҳозирги шароитда махсулот ишлаб чиқарувчилар билан уни харид қилувчилар ўртасидаги муносабатларни тўғри ташкил этиш, шартномалар қўнуви асосида тузилишини таъминлаш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Қаршида бўлиб ўтган минтақавий семинар-кенгашда ана шу ҳақда гап борди. Унда Қашқадарь ва Сурхондарь вилояти шаҳар ва туман ҳокимлари, ҳўжалик, корхона ва идоралар раҳбарлари, шунингдек, республиканинг тегишли вазирлик ва ташкилотлари вакиллари катнашди. Кенгашни Қашқадарь вилояти ҳокими О. Пармонов очди. Кенгашда республика адлия вазирининг биринчи ўринбосари Й. Назаров шартномалар тузиш тақомиллаштириш масалаларига тўхталиб, уларда махсулот ишлаб чиқарувчилар билан уни қабул қилиб олувчилар ўртасидаги бурч ва ваазифалар аниқ белгилаб қўйилиши, хўкуки назорат этиш идоралар шартнома талаблари бажарилишини қатъий назорат қилиши зарурлигига эътиборин қаратди. Нотиклар, айниқса, қишлоқ ҳўжалиги махсулотларини харид қилишда монополиячи ташкилотлар икхокимлигига йўл қўймаслик, дехонлар манфаатини пухта ҳимоя қилиш лозимлигини таъкидладилар. Кенгашда Сурхондарь вилояти ҳокими Ж. Норуллоев катнашди.

КОНТРАКТАЦИЯ МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАҚОМИЛЛАШТИРАЙЛИК

Пуқусда махсулот ишлаб чиқарувчилар билан тайёрлов идоралари ва истеъмолчилар ўртасидаги шартнома — контрактация муносабатларини тақомиллаштириш бағишланган минтақавий семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз вазирилари, кенгаши, корпорация, уюшма ва идоралари вакиллари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти шаҳар, туманлари ҳокимлари, ҳўжалик ва ташкилотлар раҳбарлари, тадбиркорлар иштирок этди. Кенгашни Ўзбекистон Республикаси адлия вазири С. Мирсафоев бошқарди. У шартнома муносабатларининг бугунги аҳоли хусусида батафсил тўхтади. Республика Президентини Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг янгида бўлиб ўтган мажлисида бу масалага алоҳида эътибор қаратганини таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси раисининг ўринбосари Р. Раҳимжонов, «Ўзлугуржибиржасавдо» акционерлик уюшмаси раисининг ўринбосари Н. Каримов, бир неча шаҳар ва туман ҳокимлари, корхона раҳбарлари, мутахассислар, фермерлар, тадбиркорлар кўрилган масала юзасидан фикр-мулоҳаза билдирдилар. Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорги Кенгаши Раиси У. Аширбеков, Хоразм вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари И. Юсупов кенгашда сўзга чикди. (ЎА).

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ Тошкент шаҳри, 1996 йил 5 март

«ТАНЛАГАН ЙЎЛИМИЗНИНГ ТЎҒРИЛИГИГА ИШОНЧИМИЗ КОМИЛ»

(Давоми. Боши 1-бетда).

миз, турли мурувват ёрдами курсатаман. Дарвоқе, мен икки марта Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хавфсизлик Кенгаши томонидан Афғонистонга қурол олиб киришни тақиқлаб қўйиш масаласини кутарганман. Бу мана шу мамлакатда тинчлик урнатилишига энг муҳим шарт, деб билмаман.

Яқинда бизни мамнун қиладиган воқеа юз берди — Европа Парламент Ассамблеяси мажмур масалани муҳокама қилиб, бу гоёни қўллаб-қувватлади. У Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хавфсизлик Кенгашини Афғонистонга қурол олиб киришни тақиқлаб қўйишга даъват этди. Мен бизнинг гоёларимиз Европа Парламент Ассамблеяси сингари нуфузли ташкилотларда қўллаб-қувватланаётганидан хурсандман.

Бугунги кунда Афғонистонда нималар юз бермоқда? Агар Афғонистон фуқаролари ўз ҳолига қўйилса, ишончим комилки, улар аллақачон тил топишган бўлар эди. Ҳозир бу мамлакатда у ерга қурол олиб кираётган катта давлатларнинг манфаатлари тўқнашмоқда. Бу мамлакатларнинг номини айтмайман. Лекин уша давлатларнинг раҳбарларидан «Афғонистондаги таранг вазият, уруш ҳолатини сақлаб туришни нима фойдаси бор?» деб сўрагиси қилади кишининг. Фойдаси бўлса керак, албатта. Лекин кимга, нима учун фойдали?

Масалан, биз учун фойдали эмас. Мен БМТ Бош Ассамблеяси минабаридан сўзлаб, Афғонистонда тинчлик урнатилганда эди, биз Ҳинд океанига — Афғонистон орқали Қарочи портга чиққан булар эдик, дедим. Бу энг қисқа йўл бўлиб, ана шу темир йўл ва автомобиль йўллари миллионлаб афғонларни иш билан таъминлаган бўлар эди. Улар уқ отиш урнига бунёдкорлик билан шуғуллана бошлаган бўлар эдилар. Карвон йўли миллионлаб одамларга яшаш имконини беради. Бу ерда эса темир йўл ва автомобиль йўли бўлади. Аммо кимдир ана шу йўл қурилишини хоҳламапти. Курдизмиз, бу ерда қандайдан-қанда жажоншумул сибсат мавжуд. Ораларингизда ана шундай сибсатта ихтисолашган одамлар борлигини билмаман. Сизларга шу масала теваарағида бироз мулоҳаза юритишни таққиламан. Океанга чиқишни, янги савдо алоқаларини йўлга қўйишни хоҳлаган мамлакат у ерда урушнинг давом этишидан манфаатдор бўла оладими? Вунинг устига биз яқин қўшниларимиз — орамина 800 километр, ҳолос. У ерда уруш кетаётган экан, бу ерда, Тошкентда биз хотиржам тура оламизми?

Гап нимада эканлигини ўзингиз тушуниб етасиз, деб умид қиламан. Шу сабабли сиз «Ўзбек генерали» Дустум ҳақида гапирганингизда, мен гап фақат Дустум туррисида бораётгани йўқ, гап Афғонистон муаммоси туррисида бораётгани. Афғонистон ички муаммолари хусусида Дустумни истисно қилиш нотўғри бўлар эди, дея жавоб қиламан.

САВОЛ: Афғонистон билан боғлиқ сўнги анча жиддий можаболар хабардор бўлсангиз керак. Яқинда Қозғистонда катта юк самолёти ушалаб қўлини. У Баграмга, яъни Қобул атрофида жўнатилган 30 тонна гранат олиб кетаётган эди. Ўзбекистон худуди орқали Афғонистонга бундай самолётлар қатнамаслиги кафолат бериш мумкинми?

ЖАВОБ: Бизнинг худудимизга ва унинг осмонига Афғонистон учун қурол олиб келинишидан Ўзбекистон манфаатдор эмаслигига мен қатъий кафолат бера оламан. Мен бунингизга қатъий равишда айтпайман. Яқинда жаноб Примаков ва Россия ҳарбий тузилмалари вакиллари билан учрашган вақтимизда, мен шу ҳақда гапирдим. Бизнинг худудимизда бундай самолёт қўна оладиган бирорта аэродром йўқ. Бундай самолётлар Ўзбекистон осмон орқали утмайди ҳам.

Қурол-яроғларни бу мамлакатга айланма йўллар орқали, яъни Афғонистонга бирор муносабат борлигида шубҳаланиш қийин бўлган давлатлар орқали олиб утиляпти, деган фикрлар мавжуд. Белорусдан Қозғистон орқали 30 тонна гранат олиб утишмоқчи бўлганини, афсуски, энди эшитиб турибман. Шу сабабли бу воқеани шарқлай оламан.

САВОЛ: Ислом Абдуғаниевич, учун муқаддас Афғонистондаги Қарочи портга чиққан булар эдик, дедим. Бу энг қисқа йўл бўлиб, ана шу темир йўл ва автомобиль йўллари миллионлаб афғонларни иш билан таъминлаган бўлар эди. Улар уқ отиш урнига бунёдкорлик билан шуғуллана бошлаган бўлар эдилар. Карвон йўли миллионлаб одамларга яшаш имконини беради. Бу ерда эса темир йўл ва автомобиль йўли бўлади. Аммо кимдир ана шу йўл қурилишини хоҳламапти. Курдизмиз, бу ерда қандайдан-қанда жажоншумул сибсат мавжуд. Ораларингизда ана шундай сибсатта ихтисолашган одамлар борлигини билмаман. Сизларга шу масала теваарағида бироз мулоҳаза юритишни таққиламан. Океанга чиқишни, янги савдо алоқаларини йўлга қўйишни хоҳлаган мамлакат у ерда урушнинг давом этишидан манфаатдор бўла оладими? Вунинг устига биз яқин қўшниларимиз — орамина 800 километр, ҳолос. У ерда уруш кетаётган экан, бу ерда, Тошкентда биз хотиржам тура оламизми?

ЖАВОБ: Биринчидан, Ўзбекистон «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурини биринчи бўлиб қўллаб-қувватлаган давлатлар орасида йўқ эди. Агар бу ишни сиз кузатиб борсангиз, биринчи қўллаб-қувватлаганлар орасида ҳозирги кунда нима учундир қарама-қарши томонга утиб олган давлатлар бўлганини аниқлаб олдимиш мумкин. Мен бу давлатларнинг номини келтириб утирмайман. Зеро, мен айрим қўшнилари ёки давлатлар номини айтиб ўтсам, артага бу

матбуотда пайдо бўлади, оқибатда хафагарчилик вужудга келади ва бу муносабатларимизда муайян қийинчилик туғдиради.

Хуллас, биз биринчилардан эмасмиз. Биз боғоини ҳатто Россиядан кейин қувватлаганмиз. Яқинда менга АҚШ билан муносабатларингиз нима учун тез ривожланмоқда, деган саволни берди. Мен АҚШга сизлардан узоқ ҳам эмасмиз, яқин ҳам, деб жавоб қилдим. Бу гапни Россия раҳбарларига айтдим. Чунки ёдингизда бўлса, икки йил муқаддам бизни ҳамма жойда собиқ-коммунистлар мамлакатидеб, мени диктатор деб ва бошқа баҳоналар билан танқид қилишарди.

Кези келганда айтиб қўяй, биз ҳаммамиз собиқ коммунистмиз. Нима, Алиев, Шеварднадзе собиқ коммунист эмасми? Умуман, бу мавзу ниҳоясига етди, Каримов эндиликда ёлғиз эмас. Коммунистлар ҳам ҳар хил эди — буниси бошқа масала, буниси яхши ағлаш лозим.

Сиз айтётган «Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик» дастурини ҳақиқатан ҳам биз иштирок этаямиз ва бунда ҳеч қандай муаммо йўқ. Чунки бу дастурда иштирок этиш бизнинг манфаатларимизга мос келади, деб ҳисоблаймиз. Аммо баъзи бировлар қандайдир ҳарбий-сиёсий блок тузиш туррида гапирганда, баъзи бировлар бундай қилиш керак, деб Россиянинг қулогига шивирлаётганда, мен бунга мутлақо асос йўқ, деб ҳисоблайман. Бундай блок бўлиши мумкин эмас. МДҲ худудида ҳарбий-сиёсий блок тузиш мумкин эмас. НАТОга, агар сиз Шарққа томон борадиган бўлсангиз, у ҳолда биз ҳарбий-сиёсий блок тузаямиз, деб уни қўрқитишга беҳуда уринопапти. Жаноб Кристофернинг ташаббусига келганда эса, мен бу ҳақда эшитганим йўқ ва ҳеч нарса дея оламан.

САВОЛ: Жаноб Президент, Сиз Ўзбекистонинг жаҳон демократия алоқаларига қатъий мос бўлиш истаги ҳақида гапирдингиз. Шу билан бир вақтда Сиз республикада демократия жараёларини ривожлантиришда қандайдир ўзинга хос хусусиятлар мавжудлигини айтдингиз. Бу хусусиятлар, аниқ қилиб айтганда, нималардан иборат улар қандай амалга оширишмоқда?

ЖАВОБ: Масалан, муҳолифат республика сиёсий тузумини таркибий қисминингиз. Агар таркибий қисминингиз бўлмасан, бу ўзинга хос қўриқимиз. Матбуот «тўртинчи ҳокимият»ми, агар тўртинчи ҳокимият бўлмасан, бу ҳам Сиз айтган ўзинга хос хусусиятнинг бир қўриқимиз.

ЖАВОБ: Мен яна бир бор ўз фикримни такрорламоқчиман, хусусиятлар ҳақида гапирганимизда, бирча демократик давлатлар учун мутлақо бир бўлган умумий демократик меъёрлар ва талаб

ларга қарама-қарши қўйишни қўзда тутганим йўқ. Сизларга тушунарли бўлиши учун яна қайтараман, хусусиятлар, масалан, Урта Осиёда биз бутун тарих давомида жамоа бўлиб яшаб келганмиз. Баъзи Гарб мамлакатларида эса яқинда яшашга интилиш кучли. Бу бизнинг республикамиз учун мос эмас. Айттайлик, бизда маҳаллачилик ағнагани жуда кучли. Маҳалла нима у? Бу одамларнинг уларни томонидан сайланадиган ва фақат моддий нуқтаи назардан эмас, балки оилавий муносабатларга таъсир кўрсатувчи ўз-ўзини бошқариш органидир. Бу ўз-ўзини бошқарув тизими катта ҳокимиятга эга ва биз уни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаймиз.

Мен хусусиятлар туррисида гапирар эканман, Америкада шахс демократияси устувор бўлса, бизда бошқача меъёрлар асосида, яъни жамоат манфаатларига мос яшаш устувлигини айтмоқчиман.

Шарқ бу — Шарқ. Бу ерининг ўзинга хос хусусиятлари бор. Дейлик, Жануби-шарқий Осиё, унинг ҳам ўзинга хос жиҳатлари мавжуд. Унга тўхталиб утирмаймиз. Ҳатто японча хусусиятларга ҳам тўхталиб утирмаймиз. Япония демократияси қайсидай Гарб мамлакатиде демократиясига мутлақо ўхшамаслигини яхши тушунасан. Мана мен гапирган ўзинга хос хусусиятлар, уни демократиянинг умум меъёрларига қарама-қарши қўйишнинг ҳеч ҳолати йўқ. Сиз демократиянинг умум меъёрлари, жумладан, муҳолифат, «тўртинчи ҳокимият» — матбуот туррида саволлар бердингиз.

Мен ҳеч қачон бу икки тушунмани бир-бирига қарама-қарши қўймоқчи эмасман. Шунингдек, Ўзбекистон ўзининг алоҳида демократиясини қураётгани ҳам йўқ. Мен бундай демаганман, демократия ҳам эмасман ва бунингиз одамларга етказишда ёрдам беришнингиз истадим. Ҳа, биз ўз жамиятимизда умумдемократик асослар негизда адолатли, ҳуқуқий давлат қурмоқдамиз. Вироқ бизнинг ўзимизга хос хусусиятларимиз борки, уни ҳеч қачон унутмаслик керак. Мен доимо шу туррида гапирман.

Матбуотга келсак, турри, у ҳозирча ҳар қандай демократик давлатда эга бўлиши керак бўлган мавқеда эмас. Мен бунингиз одамлар ва вазиятнинг узагиртириш учун шароит яратишга қўлимдан келганча ҳаракат қиламан.

Айтмоқчи, камчиликларига ва биз яшаб утган собиқ тузумдан мерос қолган боқимандачиликка қарши муросасиз курашадиган мухбирларни тайёрлаш юзасидан маълум бир ҳаракатлар бор. Улар бизнинг онгли тарққит йўлимизга тов бўлган ҳамма нарсага беъғ бўлишлари лозим. Шундай мухбирлар ва газеталар яратиш керак, деб ўйлайман.

Менга кеча ишдан олинган Россия телевидениесининг собиқ бошлиги Олег Попцовнинг бир ибораси ёқди. Матбуот давлатни танқид қилиши керак, давлатнинг хатти-ҳаракатига танқидий назар билан қараш керак. Эҳтимол, айнан шу давлатни бошқариётган раҳбариятга, ҳукуматга манманлик ва коррупциядан қутулишга ёрдам берувчи вазирлар.

Матбуот жамиятнинг соғломлашувига ёрдам бериши лозим. Вироқ баъзи мамлакатларда матбуот танқид қилади, аҳвол эса эскилигича қолаверади, бу бошқа масала. Бу ҳам, фикримга қўшилсангиз керак, демократия эмас. Ахир, Америкада биронта вазир биринки бор танқид қилинса, у шу заҳотиёқ истеъфога чиқишга мажбур бўлади. Демократик давлатда худди шундай бўлиши зарур. Россияда эса хоҳлаганча танқид қилиш, «пустанини қўқиш», ҳатто ҳақорат қилиш мумкин. Бундан бирон нарса ўзгариб қоладими? Шундай бўлгач, Россияда матбуот эркинлиги туррида гапирши мумкинми?

Сиз минг эркин бўлганингиз билан вазиятга қанчалик таъсир утказасиз? Сизнинг газетангиз руй бераётган воқеликка қай даражада таъсир утказиши мумкин? Тушунман, одамларнинг кайфиятига таъсир этиш мумкин. Турмушга-чи? Бунинг ҳам ҳисобга олиш керак.

Мен сизнинг саволингиздан қўзланган мақсадни жуда яхши тушунман ва биз бу борда яна куп иш қилишимиз лозимлигини айтишни истадим.

Биз журналистларимизни хорижга ўқишга, жумладан, АҚШ, Германия ва Ҳиндистонга узоқ муддатли сафарга юборганимиз. Бизнинг бир камчилигимиз хорижий тилларни билмаслигимиздир, агар чет тилларини яхши эгаллаб олганимизда эди, яна ҳам купроқ кишиларни ўқишга юборган бўлар эдик.

15 март кунини журналистларнинг кичик бир гуруҳи АҚШга жунаб кетди. Улар мустақил, танқидий тафаккурга эга журналист бўлиш учун америкаликларнинг тажрибасини урганишди. Агар имкони бўлганда эди, биз барча хоҳловчиларини Гарбининг энг яхши мактабларига малака оширишга юбордик ва шунда матбуотимиз ҳақиқатан ҳам туртинчи ҳокимиятга айланган бўлар эди.

Муҳолифат масаласига тўхталадиган бўлсак, мен бу саволга қисман жавоб бердим. Агар киши хоҳласа, суний равишда ўзинга муҳолиф яратиб ола бўлади. Вироқ бу муҳолиф эмас. Менинг назаримда, муҳолифат аниқ муқобил дастурий ҳужжатга эга бўлиши керак. Яна қайтараман, муқобил, қандайдир дастурий позицияга таяниш лозим. Агар хоҳласангиз, расмий нуқтан назар, расмий дастур билан рақобатлашиб, ҳурмат қола

на оладиган ёки аксинча, аҳоли томонидан қабул қилинмайдиган муҳолифат билан ишлашга тайёрман.

Лекин ёшларимизни Ўзбекистондан алдов билан хорижга олиб чиқиб, уларни қўл жанги санъати, отиш ва қўпурувчиликка ургатган «Бирлик» ёки «Эрк» ни муқобил, амалий муҳолифат, деб буладими?

Биз бундай ҳаракатлар билан келиша оламаймиз. Бу муҳолифат эмас. Шу боис мен яна ва яна айтар эдимки, бугун ташкил этилаётган партиядан ва ҳаракатлардан Ўзбекистон давлати ва сибсатини ривожлантириш бўйича муқобил вариантларга эга бўлиши учун интиляимиз ва бунга эришимиз шубҳасиз.

Лекин мен хоҳлар эдимки, ушбу муқобил вариантлар амалий харақатга эга бўлсин, сибсатий кураш баррикадалар ва мингиларда олиб борилмасин. Чунки бизда кишиларнинг сибсатий онги ва тажрибаси митингларга хос ҳаяжонни оқибати пушаймон билан эсланадиган воқеаларга айлангириб юбориши мумкин. Мен бу фикрини қайта-қайта такрорлашни истадим. Лекин биз бу соҳада анча етилиб қолдик, ушбу жараён бундан кейин янада тезлашади.

САВОЛ: Ўзбекистондаги инсон ҳуқуқлари муаммоси билан қизиқётган халқаро ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилотлари фаолиятига қандай муносабат билдирасиз?

ЖАВОБ: Биласизми, очигини айтганда, ушбу ташкилотларнинг Ўзбекистонга оид баёнотлари, дастлабки муносабатлари менда тушунмовчилик уйғотди. Лекин кейинчалик мен уларни рад қилмаслик, балки улар билан ҳамкорлик қилиш керак, деган қарорга келдим. Тажриба шуни кўрсатдики, кимки Каримовни буткул рад этса, уни Ўзбекистонга таққил қилиш энг тўғри йўл экан. Мен рад қиладиган қанча куп кишилар республикамизга келса, шунча яхши эканига имоним комил бўлди. Улар бу ердаги аҳвол билан танилиши, ҳақиқий вазиятнинг ўз қуларни билан қўриши мумкин. Мен ҳар қандай киши билан учрашгани ва баҳаланишига тайёрман.

Яқинда АҚШда бўлганимизда, «Хельсинки воти» ҳуқуқни ҳимоя қилиш халқаро ташкилоти вакили билан учрашдим. Унинг менга берадиган жуда куп саволлар бор экан. Шунда мен уни Ўзбекистонга таққил қилдим. Бунингиз, Ўзбекистонга у эмас, ундан ҳам юқори лавозимдаги шахс келди. Маъмур ташкилот делегацияси, менимча, деярли бир ҳафта мобайнида республикамизда бўлди, кунгиллари истаган кишилар билан учрашди. Жунаб кетиш олдидан делегация раҳбари мен билан учрашди ва Ўзбекистон ҳақида уларни фойдаланиб келган маълумотлар асосан ёлғон-шиқдан иборат ёки

ноҳилис эканини эътироф этди.

Мен бу масалага муносабатимни бутунлай ўзгартирдим. Ўзбекистонга қанча куп шу каби ташкилотлар вакиллари келса, бу бизнинг манфаатимизга шунча куп хизмат қилади.

И. КАРИМОВ: Мен энг уткир саволни кутган эдим, назаримда, бундай савол бўлмайдиган шекилли?

Биласизларми, бу қандай савол? Мен ўз ишимдан қўниқаманми? Ҳар кунингиз дунда қилинган қийинчиликлар баъзан шундай муаммолар туғдирадики, барча нарса учун масъул бўлган киши беихтиёр уйланиб қолади, кечалари билан тўлғониб чиқади: шу йўл турғиминики, ҳаммаси турғи қилинганмикин? Энг олий ҳакам, менинг шахсий фикримча, кишининг виждонидир. Агар киши виждонли бўлса, уни виждондан бошқа ҳеч нарса қийнай олмайди. Барча танқидлар, барча ҳужумлар — киши ўзини тафтиш қилиши, ҳар сафар турли саволлар билан қийнаши олдига ҳеч гап эмас. Мен табиатан ҳамма нарсага, барча қилинаётган ишларга танқидий куз билан қарайдиган одамман. Бу шубҳаланиш эмас, балки ўз-ўзини танқид қилиш, қабул қилинган қарорини яна ва яна таққил қилиб қўришга интиляимиз.

Бугун собиқ шуро худудида, қолаверса, бутун дунёдаги вазият шундайки, ҳамма нарсага ҳар доим ҳам ишониш мумкин эмас, воқеалар изчил кечаятгани йўқ. Ҳамма нарса кунгилдагидек бўлмайди ва шу боис куп ишлашга турри келади. Қўзланган натижага эса эришиш қийин. Атрофингда куп турли тузилмалар, одамлар, команда, ёрдамчилар бўлишига қарамай, масъулиятни зиммасига олиши шарт бўлган кишилар уни елкаларидан соқит қилса, муаммони ҳал қилиши лозим бўлганлар бу ишни қилмасан, кундан-кун кишига қийин бўлиб бораверади. Шу сабаб, менда савол туғилади: нега йилдан-йилга истиқбол ёрқин қўрига бошлайптию, ишлаш тобора қийинлашмоқда? Бунингиз қандай изоҳлаш мумкин?

Агар бу ҳол яна давом этадиган бўлса, мен Президент, раҳбар сифатида қаерга бориб қоламан? Қачонгача барча масъулиятни зиммага олиш мумкин? Мен билмаман, Гарбда куп раҳбарлар бамайлихотир турмуш кечиради. Уларда белгиланган иш кунини мавжуд. Улар шапба-қиспанба кунлари дам оладилар, ҳамма каби меҳнат таътилига чиқадилар. Вунингиз сабаби шундаки, уларда бирон-бир раҳбарга боғлиқ бўлмаган ҳолда ишлайдиган тизим барпо этилган. Мен худди шундай тизим бизда ҳам ишга тушадиган кунини орақиқиб кутаман. Масалан, ҳукумат узагаради, иқтисодиёт эса ўз йўлида иш

лайверади, ҳеч қандай муаммо туғилмайди.

Биз ҳам ана шундай мустақил, барқарор ва ишчан тизим барпо этиш учун ҳаракат қилаймиз. Лекин йилдан-йилга иқрор бўлипманки, биз вужудга келтиряётган тизим ҳали ишга тушиб кета олмапти.

Хулоса қилиб шуни айтмоқчиманки, сизларнинг ҳар бирингиз менинг жавобларимни, Ўзбекистонда қўрганларингизни мушоҳада этасиз. Уларни ўз ҳаётингиз дунда қарашингиз, бугун собиқ шуро худудида юз бераётган барча воқеаларга муносабатингиз нуқтан назаридан ёритаёсиз. Назаримда, қанчалик вазият билан қизиққангиздан хурсандман. Мен тушунман, бу ерда утирганларнинг ҳар бири ўзи тушлаган маълумотларни қайта қўриб чиқади, балки Ўзбекистонда қўрган айрим нарсалар сизлар учун бутунлай янгиликдир, балки баъзан нарсалардан кунгилнинг тулгангандир. Лекин мен ушбу маълумотларни илк манбалардан олишга муваффақ бўлганингиз учун хурсандман. Бундан кейин ҳам сизларнинг шундай ҳамкорликка чорлайман, бир-биримизнинг қарашларимиздаги мавжуд қарама-қаршилик ҳеч қачон ораминга ўтиб бўлмас тўқнаш қўймасин. Биз ҳар қанча баҳсланишимиз, бир-биримизга ўзимизнинг ҳақ эканимизни ҳар қанча уқтиришимиз мумкинлигини эътироф этаман. Қолаверса, барчамиз бизга ишонган кишилар манфаати учун хизмат қилишимиз.

Ўзбекистон раҳбарияти, Президенти билан матбуотнинг муносабатларига тўхтаб, сизлар тез-тез келиб турсангиз, мен ҳам сизлар билан куп учрашаман, бу эса ҳар икки томонга ҳам фойдалидир.

Мен Шарқда соддалик йўқ ва у ерда кишилар сирлироқ, дейиш урф бўлганига қарамай, халқимизга хос меҳмондўстлик, энг асосийси, одамларимиз қалбининг оқиллиги ва соддалиги сизларда катта таассурот қолдирганига умид қиламан. Шунингдек, ҳар қандай меҳмондўстлик журналистнинг ҳолислигига, позициясига таъсир кўрсатмаслиги ҳақида бу ерда айтилган гапга тўла қўшилиман. Мен бизнинг меҳмондўстлигимизни бошқача, «Еган оғиз уялади» қабилида тушунтиришларига қаршиман. Яна бир марта қайтараман: ҳеч қачон мен бундай ҳолга йўл қўймайман. Агар бизда бу борда утмиш иллатлари сақланиб қолган бўлса, биз улардан қутулишга ҳаракат қиламан. Сизларнинг сиймонига эса ўзинингиз урдасидан чиқадиган профессионал журналистларингизга қараман. Яратадиган сизларга омонлик тилайман, раҳмат.

Вожаб!

ЖАЛОЛҚУДУҚЛИК ДИПЛОМФУРУШ

Нотавон кўнгли курсин. Унинг кўчасига кирганлар ҳамма от-уловли бўлиши, бошқа бирор ҳамма жарақ-жарақ пулларга тўлиб қолиши истайдилар.

Жалолқудуқлик Майрамхон Арслонова ҳар икки йўли ҳам танламади. Атрофдагиларни кўзатса, олий маълумот эгаларининг гаплари бурро-бурро. Дарсларини утишадилар, узоқ юмушлари билан банд бўладилар. У бўлса эртдан кечгача мактабда. Ва яна... Уша кунларнинг бирда Музаффар Назаровнинг антиқа «мактаби» ҳақида хабар топди-ю, унинг уйига йўл олди.

Салом-алиқдан сўнг Майрамхон мақсада кўчди: — Сизда институтнинг сотилмаган дипломи бор, деб эшитдим. — Секунд, — кўрсаткич бармоғини лабига босди Музаффар. — Деворнинг ҳам қулоғи бор.

Тумандошимиз, — гапни лавом эттириди Майрамхон. — Сизни утириб қўймаймиз. Қоғазимизни чиқаринг.

Музаффар «талаба»га обдон «дарс» ўтди. Бирова тишининг оқини кўрсатмаслик, диплом ҳақида ҳаммага ҳам «гулдайвермаслик» тўғрисида уқтирди. Кейин дангал гапни айтди: — 22 минг Россия рублини берасиз...

... Ва Майрамхон Арслонова бир лаҳзада олий маълумот мутахассисга айланди. Унинг қўлида ҳали бўёғининг ҳиди кетмаган «РВ 790012» сонли муаллимлар институтининг дипломи турарди. Кейинги ишлар хамирдан қил суғургандек кўчди. Жалолқудуқ туманидаги 37-ўрта мактабнинг илмий бўлим мудири Понархон Маматова кўра билла туриб, уни олий маълумот эгаси сифатида расмийлаштирди. Дипломнинг тарифкашидан ўтказди. Кейин ўқувчиларга поклик, тўғрлик, виждон ва имон тўғрисида сўзлаш учун дарс ажратди.

Чиллаки чиллакини кўрсатмаслик, музаффар Назаровнинг «мактаби» ҳақидаги гап овозига айланди. Уни да-

рлаб келгучилар кўпайди. Жалолқудуқлик Сатурахон Абдуқодирова ҳам «мактаб»нинг навбатдаги «талаба»си бўлди. Лекин бу гал Музаффар томорқасида етиштираётгандай дипломнинг нарҳини кўтарди: 45 минг Россия рублига сотди.

Яқинда Андижон вилояти Жалолқудуқ тумани халқ суди қаллоблик, фирибгарлик йўлига кириб, мўмай пул ишлаётган, сохта диплом билан маълумот эгаси бўлганларнинг жиноий ишлари кўриб чиқилди. Айбдорлар қилмишига яраш жазосини олди. Аммо бизни уйлантирадигани бошқа нарса. Муаллим деган лок номни оқлаб, устоздек бахта мушарраф бўлаётган ўқитувчилар сафларига уроқда йўқ, машоқда йўқ одамларнинг кириб қолишлари томошабини бўлиб турганларни қандай баҳаласа бўлади? Қолаверса, сохта диплом эгалари ўқувчилар қўзига қандай тик боқди экан? Энг муҳими, асл нуқсасидан фарқлаш мумкин бўлган Қарши давлат муаллимлар институтининг дипломлари Андижонга қандай қилиб келиб қолган экан?

Ф. ШОДМОНАНИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ҳокимиятга интилаётган ва муқаддас Исломи динини ўзлари учун ниқоб қилиб олган кучлар Тожикистондаги ижтимоий ва сиёсий аҳволни янада кескинлаштирмоқда.

Тожикистон 143 минг кв. км ҳудудга эга бўлган, қарийб 5,5 миллион аҳоли истиқомат қилаётган тоғли мамлакатдир. Республика аҳолисининг 25 фоиздан кўпроги ёки қарийб 1,5 миллиони ўзбеклардан иборат. Яқин-яқингача Тожикистон аҳолиси хотиржам ишлаб, нисбатан яхши ҳаёт кечираётган эди. Помирликлар маърифий дунёнинг нёматларидан узиб қўйилган, унга хос ҳаёт тарзига эга эди. Республиканинг шимоли билан жануби маданият, ижтимоий оғ даражаси жиҳатдан анча фарқ қилар эди. Масалан, Фармада маданият ўчоқлари ниҳоятда кам бўлган, айрим сиёсий кучлар шу нарсалардан фойдаланишлар, одамларни бир-бирларига қарши қўйиб, қон тўкиш ва талон-торож йўлига бошладилар. Тўғри, ҳозирча сиёсий вазият кўпроқ Тожикистондаги расмий доиралар, айниқса, ҳокимият ўртасида бўлиниш пайдо бўлганлигини ва бу парокандалик яна ҳам авж олаётганлигини кўрсатапти.

Бироқ мамлакатнинг Ҳисор ва Қоратёгин водийларида, Тоғи Балхашонда ҳаракат қилаётган 10 миңдан кўпроқ жангарининг вазияти бевосита тасвир этаётганлиги ҳам унутмаслик керак. Улар жуда яхши тайёрланган ва қуролланган. Айнан шу гуруҳлар Афғонистон, Эрон ва ҳатто Покистонда жойлашиб олган 120 миңга яқин муҳолифатчи кучлардан катта маъда олиб турибди. Бунинг устига Тожикистон аҳолисининг турмуш даражасидаги кескин фарқ, шунингдек, бу ерларда тарихан таркиб топанган ушша хос маънавий муҳит мамлакатдаги аҳолининг яна ҳам чигаллашувига олиб келмоқда.

Низонинг юқори нуқтада туришининг асосий сабабларидан бири маҳаллийлик, айрим этник қатламларнинг юзга келган шараф билан ҳисоблашдан бош тортиши ва инкор қилмаслик керакки, диний маъбадларга бўлиниш ҳолатининг ниҳоятда сезиларли даражада шакллантирилди. Шунинг учун


аглаб етилгандагина бундай дахшатли воқеаларнинг такрорланиши йўл қўйилмайди. Ҳеч муболагасиз айтиш керакки, Ўзбекистон Республикаси тақлиф этаётган тинчлик дастури Тожикистон ва Афғонистондаги можаронинг тезроқ бартараф қилиниши учун энг мақбул ташаббусдир. Айни пайтда бу ташаб-

ишлаб чиқариш ҳажми 50, айрим тармоқларда эса 80 фоиз тушиб кетди. Давлат харажатларининг 40 фоизи мудофаага кетаяпти. Аҳолининг моддий турмуш даражаси жаҳондаги энг қашшоқ мамлакатлар ҳолатидадир. Халқро ҳамжамият расмий ҳужжатларида дунёдаги энг камбағал ва ҳилоқат ёқасида турган 27 давлат орасида Тожикистон ҳам борлиги ҳеч бир кишини бефарқ қолдирмас керак.

Россия газеталаридан бирида бундан 4 йил аввал Тожикистонга 5 миң рус аскари киритилганлиги, ҳозир эса бу ерда 18 миң аскар борлиги таъкидланган. Авваломбор, бу Ҳамдустлик давлатларининг сиёсий аҳдомага эришганлиги натижаси, қолаверса, Россия Тожикистон чегарасида қўниш ушша билан аслада унинг миллий хавфсизлигини кўпроқ уйламоқда. Бундан ташқари, Россиядаги сиёсий доиралар Марказий Осиёда 3,5 миллион, Қозғонистон билан қўшиб ҳисоблаганда эса 12 миллион рус борлигини ва уларнинг хавфсизлигини таъминлашни ҳам аллақачон аглаб етган. Лекин гап бошқа нарсада: агар Тожикистон масаласи бўлганда, анқ бир мурося йўл танланмас экан, мамлакатда 100 миң рус аскари киритилганда ҳам тинчлик ва оқоингаллик ўрнатилиши қийин бўлади.

Мана шу айтганлардан умумий хулоса қилиб, биз ён қўшимиз Тожикистон диёрида миллий яраш ва тоғувиқ тезроқ қарор топишга умидвор бўлиб қоламиз.

Қобилбек КАРИМБЕКОВ, «Халқ сўзи»нинг сиёсий масалалар бўлими шарҳловчиси.



СУРАТДА: Сеул кўчаларида.

НОРОЗИЛИК БИЛДИРДИ

Чеченiston раҳбари Д. Заваев ҳукумат мажлисида ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари ишдан норози эканлиги билдирди ва республика Ички ишлар вазирлиги раҳбариятини кайтарар билан мустақамлашга ваъда берди.

Россия Ички ишлар вазирлигининг Чеченistonдаги вақтинчалик бошқармаси бошлиғи А. Петровский ҳам Чеченiston милицияси аҳолида ноқонуний равишда сақланган қуролларни йиғиб олиш, русхат этилмаган митинглар чоғида тартиб-интизомни сақлаш борасида етарлиқ фаолият олиб бормаётганини айтди.

Инсон ва қонун

МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

«Адолат» нашриёти «Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси»ни кўп нусхада нашр этди. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорига мувофиқ, меҳнат тўғрисидаги қонулар ва меъриий ҳужжатларнинг янги мажмуи I апрелдан бошлаб мамлакатимизнинг барча ҳудудида амалга қирлади. Янги кодекс орқали Ўзбекистон МДХ мамлакатлари ўртасида биринчилардан бўлиб бозор иқтисодига ўтиш давридаги мавжуд шарт-шароитларда мамлакатнинг истиқболини кўзлаб меҳнат муносабатларининг мустақам ҳуқуқий асосини яратди.



Президенти Ислом Каримов имзо чеккан «Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қонун билан бошланади. Китобда ҳар бир одамнинг биринчи иш кундан то

меҳнатига яраша дам олишга чиқиб, пенсия билан таъминланишига қадар билан таъминланишига қадар тартибга солиб турмуш меҳнат тўғрисидаги қонулар ва меъриий ҳужжатларнинг тўла маънавий муҳит мамлакатдаги аҳолининг яна ҳам чигаллашувига олиб келмоқда.

Ҳуқуқшунослар, меҳнат жамоаларининг раҳбарлари ва холимлар билан ишлайдиган, ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатилиш масалалари билан шугулланган мансабдор шахсларга эмас, республикаимизнинг барча фуқаролари ҳам бу китобдан фойдаланишлари мумкин. (ЎЗА).

ШАҲАР ТАРИХИДАГИ... ЭНГ ҚАЛИН ҚОР

3 март куни Нью-Йоркда ёққан қор шаҳар аҳолисини қаттиқ ташвишга солмади.

Чунки америкаликлар жорий йилнинг септатинчи қишига кўниқиб қолган. Бироқ айнан яқшанба куни Нью-Йорк яқинидаги Гудзон шаҳрида ёққан 166 сантиметр қалинликдаги қор мамлакатнинг йирик шаҳри тарихидаги энг қалин қор сифатида қайд этилди. Мутахассислар шу вақтгача 1948 ва 1949 йилларни энг серқор йиллар сифатида эътироф этишарди.



СУРАТДА: Гамбург шаҳридан лавҳа.

«ПАХТА-БАНК» АКЦИЯДОРЛАРИ ЙИҒИЛИШИ

Қишлоқ ҳўжалигида, айниқса, пахтачиликда туб иқтисодий ислохотларни амалга оширишда банк тилишининг ўрни жуда муҳим.

Мамлакатимиз иқтисодиётида етакчи ўрин тутган пахтачиликни ҳар томонлама ривожлантиришга ҳўкуматимиз алоҳида эътибор қаратаётганини ҳам бунинг яққол далилидир. Кўни кеча ихтисослаштирилган акционерлик-тижорат «Пахта-банк» акциядорларининг умумий йиғилишида ҳам шу масалага алоҳида эътибор қаратилди. Банк

бошқаруви раиси Жамшид Сайфуддиновнинг «Пахта-банк»нинг 1991-1995 йиллардаги иш якундари ва банк фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг Олий Мажлис IV сессиясидаги маърузасидан келиб чиқувчи 1996 йилги асосий йўналишлари тўғрисидаги маърузасида эришилган муваффақиятлар қайд этилган ҳолда, ўз-ўзини танқид руҳида банк фаолияти чўқур таҳлил қилинди. Ҳозирги кунда банкнинг устав фонди 1,5 миллиард сўмга етганлиги, бу эса соҳани ривожлантириш учун жуда катта имконият эканлиги таъкидланди. Йиғилишда сўзга чиққанлар Вазирлар Маҳкамасида 1995 йил якундари ва истиқболдаги вазифалар хусусида бўлиб ўтган мажлисда кўтарилган долзарб масалалар бўйича ўз фаолиятларини янада кўчайтириш зарурлиги ҳақида сўзладилар. (ЎЗА).

«95 ЙИЛ БИЗНЕСМЕНИ»

Самарқанд туманидаги «Парвина» моллия-ишлаб чиқариш компаниясининг президенти Абдурашид Абдулсоломов «95 йил бизнесмени» фахрий унвонига сазовор бўлди ва 50 миң сўм мукофот билан тақдирланди. Шуниси эътиборлики, республика Бизнес-фонди ва Давлат мулк қўмитаси Ўзбекистондаги йирик банслар билан ҳамкорликда ўтказилаётган «Ташаббус» конкурсининг гўлиблигига икки йилдан бўён сурункасига самарқандлик талбиркорлар даъвогар бўлишмоқда. 1994 йил якуни бўйича ҳам Самарқанддаги «Сайёр» фирмаси раҳбари Ш. Иброҳимов гўлиб деб топилган эди. М. МУҚИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АКЦИОНЕРЛИК-ТИЖОРАТ «ПАХТА-БАНК» НИНГ 1996 ЙИЛ 1 ЯНВАРЬ ҲОЛАТИГА ЖАМЛАМА БАЛАНСИ

Table with columns: Қолдиқ (минг сўм), Актив, Пассив. Rows include: Устав капитали, Захира фонди, Бошқа фондлар, Хорижий валюта, Пул маблаглари, Кредит ресурсларини тартибга солиш фондидаги маблағ, Қимматбаҳо қоғозлар, Вакиллик варағидаги маблағ, Банклараро кредитлар, Қисқа ва узок муддатли кредит қўйилмалари, Мижозларнинг ҳисоб рақамлари, Депозитлар ва жамғармалар, Асосий маблаглар, Бошқа актив ва пассивлар, Банк фойдаси, БАЛАНС.

1995 йилда ҳаммаси бўлиб 7833658 миң сўм даромад олинди, банк харажатлари 5186042 миң сўмни, олинган фойда эса 2647643 миң сўмни ташкил этди. Банк балансининг ишончлиги «Ўзбанкаудит» акционерлик жамиятининг 1996 йил 8 февралдаги 01001/36-сонли тафтиши билан тасдиқланган.

ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК! Ўзбекистон Республикаси Халқ банки илк бор 1996 йил 1 мартдан депозит (жамғарма) сертификатларини муомалага чиқарди. Сертификатлар — 250, 500, 1000 сўм қийматда бўлиб, сақлаш муддатига қараб 125 фоизгача даромад тўланади. Сертификатлар Халқ банкининг барча бўлимлари томонидан чеklangан миқдорда эркин сотилади ва сотиб олинади. Халқ банки ўз мижозларига сертификатлар сақланиши ва улар бўйича бажарилган муомалаларнинг сирлигига қафолат беради. ХАЛҚ БАНКИ СЕРТИФИКАТЛАРИ ОДИЙ, ҚУЛАЙ ВА ФОЙДАЛИДИР! Мурожаат учун телефонлар: 45-66-43, 78-29-45. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ БАНКИ

Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерлар ва аудиторлар ассоциацияси лицензияли аудиторлар янги гуруҳининг машғуллари ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда 1996 йил 11 мартда бошланишини маълум қилади. Шунингдек, қуйидагилар учун ҳужжатлар қабул қилиш давом этмоқда: - бошловчи бухгалтерлар курслари; - лицензияли аудиторлар курслари; - молия директорлари курслари; - «Компьютерли бухгалтерлик дастури» курслари. Бизнинг манзил: Ниёзбек йўли кўчаси (собиқ Урицкий), 6-уй. Телефонлар: 34-01-87, 35-72-51.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раҳбарияти ва котибияти котибиятининг масъул ходими Б. Ф. Ташмановага отаси Файзулла ТАШМАНОВнинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирини қайғатан аъзолари ва жамоаси моллия вазирининг ўринбосари Виль Бегановага қайноласи Васелий ТЕРЕНТЬЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади. Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги раҳбарияти ва ҳайат аъзолари вазирлиқнинг Ижтимоий ердани ташкиллаштириш бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Акбар Аскаронга рафиқаси Тўхтагон АСКАРОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чўқур ҳамдардлиқ изҳор этади. «Электротракторчилик» («Средьэлектросельтектор») оқин турини ҳисобларлик жамиятининг аъзолари энергетиканинг кеска холими, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган энергетик, трестнинг собиқ бошқарувчиси Салридин КАЛОНОВнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чўқур таъзия изҳор қилади.



ДИЛ КЕНГ БЎЛСА, ҲАММАГА ТЕНГ ЕТАДИ БУ ОЛАМ

ДАРАХТ

Дарахтларнинг сўнги барги узалиб,
Кеч кўзининг ҳавоси бирдан бузилиб —
Кундузи қисқариб, узайиб тунлар,
Қишининг изгирини сезилган кунлар,
Унга беҳиштер кўзларим тушди,
Гуллаган олмага ичим ачишди.
Қаризанда ёшга уйланган чолдай,
Тун бўйи азобда уйланган чолдай —
Гуллари ҳам, ўзи ҳам қарахт,
Нима бўлди ўзи, сенга, эй, дарахт?!

ШУКУР

Қаерданман, кимман ўзи аслида,
Ор-номусим қайси зотийи наслидан?
Қайси тупроқданман қайси ҳаводан,
Вужудим уйғонди қайси наводан?
Танишим ич-ичдан куйдирган оҳим —
Сенгадир, э Танграм, ёлғиз папоҳим!

Минг шукур, сен мени дилдан яратдинг,
Узингни севдириб яна яратдинг!
Дунёда ишондим нимага, кимга —
Сизиниб яшадим муҳаббатимга!
Узгаларга ишқим изҳори қандай,
Севмадим ҳеч кимни сени севгандай!
Жамолингни кўриш орзу-ҳавасим,
Узингга куллигим дардим давоси.
Арзим бор: Йўлдошининг бўлсин равоси —
Фақат Фарғонанинг еру ҳавоси!

БУ ОЛАМ

Қармоққа олтин балик илтириган ул чолдай,
Ҳам худбингу, ҳам очкўз кампирга қул чолдай —
Уйламасдан иш тугиб, ҳадиддан ошган киши
Кўтаролмай бошини титрайди мажнунтолдай!
Агар кимки наст қўйса ўзидан ўз халқини,
Билалмаса пок билан попоқликнинг фарқини,
Молю матодай бичса одамийлик нарҳини —
Не бўлар, эй, ёронлар, бундайларнинг талқини?

Тил-ламаса отасин насаҳату арзини,
Фарзандлари олдидо узолмаса қарзини,
Умрига мазмун этса ўзгаларнинг нарзини —
Ғафлатга айлантирар ҳаётининг тарзини!
Жуда ҳам тез ўтади — тез кетади бу олам!
Дил кенг бўлса, ҳаммага тенг етади бу олам!
Манглай теринг сочилсин, эй, Йўлдош,
Кенгликларга,
Ана шунда иқболингни бор этади бу олам!

ТЕЗРОҚ КЕЛ

Дунёда қутлуғ жой-улуғ мазордир,
Уни йўқламаслик дилга озордир,
Буеун ҳам йўл олдим ул манзил томон,
Қилмиш учуми мискин уйданман,
Ором олмақдодир бунда не-не жон,
Бу ерга тезроқ кел, гўзал баҳоржон.
Бекорга эмасдир куйиб-ёйишим,
Кўпи яқинларим, кўпи танишим,
Мени деб, сени деб яшаганлар бор,
Кўп ишлаб, аммо оз ошганлар бор.
Бирлари маърифат нурини сочган,
Бир эса олам сирини очган.
Бирининг боғдан хушбўй уфурган,
Яна бири тонгда кўча сунурган.
Айтаверсам барин ўчмас изи бор,
Қанча яхши ўғил, яхши қизи бор.
Яшил либос кийсин мана бу қабр,
Изгирида турса чидамас, сабр.
Қаерга қарасам, қировлар маржон,
Бу ерга тезроқ кел, гўзал баҳоржон!

Йўлдош СУЛАЙМОН.

АКАДЕМИЯ ФАНИ ВАЗИФАЛАРИ

5 март куни Тошкентда Ўзбекистон
Республикаси Фанлар Академияси раё-
сатининг йиғилиши бўлди.

Унда бозор муносабатларига ўтиш шароитида ака-
демия фани олдига турган ва Президентимиз Исроом
Каримовнинг Ўзбекистон Олий Мажлиси тўртинчи сес-
сионда ва Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йилда мам-
лакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқун-
лари ҳамда жорий йилда иқтисодий ислохотларни чу-
қурлаштиришга доир вазифаларга бағишланган маж-
лисда сузлаган нутқларидан келиб чиқадиган дол-
зарб вазифалар муҳокама қилинди.

Республика Фанлар Академияси президенти акаде-
мик Т. Жўраев маърузаси ҳамда нотикларнинг нутқ-
ларида ўтган йилда эришилган асосий натижалар, муай-
ян илмий ютуқлар акс эттирилди. Илм-фанни янада
ривожлантириш борасидаги муаммолар ҳам қайд эти-
либ, уларни тезроқ ҳал қилиш, ишлаб чиқариш ва
олий мактаб билан алоқани мустаҳкамлаш йўллари
белгиланди. Бу йилда республикамиз Президенти та-
шаббуси билан бирда этилган фундаментал тадқиқот-
ларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси муҳим ўрин ту-
тади.

Олимлар илмий жамоаларнинг энг муҳим илмий-
техник муаммолар бўйича олиб бораётган ишларини
жадаллаштириш мақсадида илмий тадқиқотлар тизи-
ми ҳамда Фанлар Академиясининг ички тузилмасини
такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қи-
ратишди. Тадқиқотларнинг моддий-техника таъмино-
тини мустаҳкамлаш, академия фанини маблағ билан
таъминлашни такомиллаштириш, бунинг учун бюд-
жетдан ташқари соҳалардан ҳам фойдаланиш, шунин-
гдек, вазирлик ва идоралар буюртмаларини бажари-
риш, бошқа инновация тушувлари ва ҳомийлик ма-
лади ҳисобидан тушадиган маблағнинг янги манбала-
рини жалб этиш масалалари муҳокама қилинди.

Академия фанида белгиланган тўб ўзгаришларни
амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикасининг
«Илм-фан ва илмий-техник сиёсат ҳақида»ги Қону-
нини тезроқ қабул қилиш эҳтиёжи сезилмоқда, деб
таъкидланди йиғилишда. Қонун лойиҳаси республика
Олий Мажлисида тақдим этилган. Шунингдек, олим-
лар ва ишроқчиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини ҳи-
моя қилиш, олимлик мақоми тўғрисида, илм-техника
янгилликларини жорий этиш ҳақида ҳам қонунлар за-
рур. Муҳим илмий ишланмаларни тайлаб олиш ҳамда
улардан ишлаб чиқаришда фойдаланиш юзасидан ама-
лий назорат ўрнатилиш ҳам яхши таъкият этилмоғи ло-
зим.

* Академия раёсати муҳокама қилинган масалалар юза-
сидан тегишли қарорлар қабул қилди.

БАЙРАМ ШАНБАЛИГИ

Жиззах аккумулятор
заводи, Жиззах тумани-
даси Бобур номи ижара
ширкат хўжалиги каби
бир неча корхоналар, жа-
моатчилик ташкилотла-
ри шу йил 16 мартда
Наврўз умумхалқ байра-
ми шарафига япи ши-
балик ўтказиш ташаббу-
си билан чиқдилар.

Вилоят ҳокимлиги
маъқуллаган ташаббускорлар
орасида уруш ва меҳнат фах-
рийлари кенгаши ҳам бор.

Кенгаши раиси Нормат
Фозиловнинг маълумотига
қараганда, ўша куни Жиззах
воҳасининг барча ҳудудлари-
да ободончилик ишларига
оқсоқоллар бош-қош бўла-
дилар. Ҳар бир фахрий ҳи-
собига 8-10 тушдан дарахт кў-
чатлари ўтказилди. Пахта-
кор, Дўстлик, Зомин туман-
ларида бултур ташкил этил-
ган фахрийлар боғлари яна-
да ўзгача чирой касб этади.
252 та қабристон, 102 та
ёлғорлик атрофи тозаланиб,
таъмирлаш ишлари ўткази-
лади.

Шанбалик куни вилоят
бўйича ишлаб топилган маб-
лагнинг эллик фоизи «Ма-
ҳалла» хайрия жамғармасига
ўтказилди. Ундан асосан
кам таъминотли оилаларга,
ноғиронлар, ёрдамга муҳтож
фуқароларга мадал берил-
ди. Ишлаб чиқариш билан
банд бўлмаган ташкилот ва
корхоналар ҳам бир қулиқ
иш ҳақларини ана шундай
хайрия мақсадларига сарф-
лашни мўлжаллаб турибди-
лар.

Ҳ. НАБИРАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

БАРНОНИНГ

БАРНО ҚўШИҚЛАРИ

«Ўзбекистон — Ва-
ташим маним» мазму-
ндаги қўшиқлар кўрик-
таълаоининг дастлабки
икки босқичи ўзининг
2500 йиллик тўйига ҳо-
зирананаётган қадимий
Хивада ҳам жўшиқин
руҳда ўтди.

Ижрочиларнинг ҳар бир
жанри бўйича бир эмас, бир
нечтадан голиблар аниқлан-
ди. Улар кўрик-таълаоининг
вилоят миқёсида ўтказилган
набатдаги даврасида қатна-
шиш ҳуқуқини қўлга кирит-
дилар. Қўҳна шаҳардаги Баён-
ий номи иқтидорли бола-
лар гимназиясига тўпланган
кўп сонли қўшиқ мухлисла-
ри, ота-оналар мароқди ҳо-
дисанинг гувоҳи бўдилар.
Гимназия тарбияланувчиси
Барно Гадоева ўзи ёзган
шеърга ўзи жозибали мусиқа
басталаб, уни ўзи жўшиб
куйлаган маҳалда томошагоҳ
бўйлаб гудурас қарсақлар
янтради. Рус қизи Светлана
Пономаренконинг ўзбек тили-
да айтган ширални қўшиғи
ҳам бундан кам таассурот
уйғотмади. Ватан туйғуси кў-
зи оғиз болалар мактаби тар-
бияланувчиси Пардаул Тила-
мованинг мурғак қалбига маҳ-
кам жо бўлган ҳам аққол на-
моён бўлди. Мухлислар гўзал
юртимиз манзараларини кўн-
тил кўзи-ла кўриб, уни сеҳр-
ли оҳангларга пайваста этол-
ган жажжи ижрочининг но-
дир истезоди, гидроки ва ма-
ҳоратига тан бердилар.

Жонажон Ватан туйғусини
бутун кишилар қалбига яна
ҳам чуқур сингдирди, теран
саъбатимизни ангидан-анги
ва замонавий дурдоналар бил-
лан бойитишдек энгу ниятда
бошланган оммавий кўрик
воҳда қизини паллага кирди.
Шаҳар ва туманларда ўтаёт-
ган яқунловчи концертларда
вилоят ва республика таъло-
вининг муносиб иштирокчи-
лари сараланапти.

А. СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Спорт

БАНДИХОННИНГ СТАДИОНИ...

... Узига хос бўла-
ди: ўртадаги чуқурлик
эни 80 метр, бўйи 190
метр қилиб текисла-
нади — айланаси эса
шундоқ ҳам баланд.

Худди қадимги грек теа-
трларига ўхшатиб чиройли
зинапоя қилинади. Бу то-
мошабинлар ўтирадиган
жой демасқир.

Тўғри, бандихонлик йи-
гитлар тўп тегишдан кўра
деҳқончилик қилишни,
мол боқишни яхши кўри-
шди — иқлим, ижтимоий
ҳаёт тақозоси бу. Аммо
стадион тайёр бўлгандан
сўнг тўп уйнашга тўғри
келади. Лекин стадион кў-
рилиши учун маблағ йўқ,
шунинг учун у ҳашар йў-
ли билан бунёд қилина-
ди. Туман ҳокими Хуррам
Йўлдошевнинг чамалари-
га қараганда, кунлар исиб
кетмасдан майдонга ўйин-
чилар тушади.

Тождин РАЗЗОҚ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ШОҲСУПА

• Республика Енгил атле-
тика федерацияси 1995 йил-
нинг энг яхши спортчиси ва
мураббийсини аниқлади.
100 метрга югуриш бўйича
Ўзбекистон рекордчиси Ан-
вар Кўчмуродов энг яхши
спортчи (572,5 очко), Шамиль
Капкаев эса энг яхши мураб-
бий (1160 очко) деб топил-
ди.

• Нукусда ўтказилган
шоҳмат бўйича I-Спартакиа-
да бахсларида Тоҳир Воҳи-
дов, Марат Жумаев, Мавжуд
Ҳамроқулова каби таъ-
рибли шоҳматчиларга эга
бўлган Самарқанд вилояти
командаси чемпион бўлди.

• Сиднейда ўтказилган
халқаро турнирда россиялик
О. Кузнецова 69 метр
46 см узюкчиликка юлдош
улоқтириб, жаҳон рекорди-
ни ўрнатди. У аввалги жа-
ҳон рекорднинг 1м 30 смга
янгиллади.

• Ўзбекистон оёқлар тер-
ма жамоаси Ташкентнинг
Чанг-Май шаҳрида ўтказил-
ган Федерациялар кубоги
учун Осиё-Океания минтақа-
си иккинчи гуруҳи мусоба-
баларида Океания ва Бру-
ней теннисчиларини бир хил
ҳисобда (3:0) маглубитга уч-
радди. Яқин финалда эса хо-
мюртларини Янги Зеландия
терма жамоасига нўқзиб
қўйишди.



Тарих билан юзма-юз. Т. ҲАМРОҚУЛОВ сурат-лавҳаси.

Қишқар ишнинг қийиғи

21 КИЛО «АЖАЛ УРУҒИ»

Яқинда Сирдарё вилоятининг «Наврўзобод»
ДАН масканида ёнидаги ташийдиган автомаши-
на тўхташди.
Милиция лейтенанти Тўрабек Шодиев, сержант
Рузиқул Қунишев, Янгитер шаҳар ички ишлар бўли-
ми ходими, милиция сержанти Аҳмаджон Худойна-
заровлар шубҳали туюлган машинани кўздан ке-
чираётганларида унинг цистернасида слим қопга
жойлашган «қора дори» топиб олдилар (вазни 21
кило чикди).

«Ажал уруғи»ни олиб кетаётган кимса Тожики-
стон Республикаси Тоғли Бадахшон вилояти, Рушан
тумани, Пасхут қишлоғида Себар Моҳиев эканлиги
ойдинлашди.

А. ХОНИМҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

1996 йил 17 — 18 март кунлари Тошкент вилояти зангиота ва паркент туманларида Республика кўчмас мулк биржасининг вилоят бўлими вилоят давлат мулк қўмитаси билан ҳамкорликда навбатдаги «Ким ошди» савдосини ўтказди

Унда куйидаги шахсий уй-жой куриш учун ер майдонлари, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш иншоотлари (ер майдонлари билан бирга) савдога қўйилади:

ЗАНГИОТА ТУМАНИ БЎЙИЧА:					
Участка	майдони ҳудуд	жойлашган	ер участкалари сони	бир ер участкасининг майdonи (кв.)	Участканин бошланғич нархи (сўм)
1	1,1 а сонли ер участкаси, «Зангиота» ж/х		2	400,0	36000,0
2	2,2 а сонли ер участкаси, «Зангиота» ж/х		2	400,0	36000,0
3	3,3 а сонли ер участкаси, «Зангиота» ж/х		2	400,0	36000,0
4	4,4 а сонли ер участкаси, «Зангиота» ж/х		2	400,0	36000,0
5	5,5 а сонли ер участкаси, «Зангиота» ж/х		2	400,0	36000,0
6	6,6 а сонли ер участкаси, «Зангиота» ж/х		2	400,0	36000,0
7	7,7 а сонли ер участкаси, «Зангиота» ж/х		2	400,0	36000,0
8	8,8 а сонли ер участкаси, «Зангиота» ж/х		2	400,0	36000,0
9	9,9 а сонли ер участкаси, «Зангиота» ж/х		2	400,0	36000,0
10	10,10 а сонли ер участкаси, «Зангиота» ж/х		2	400,0	36000,0
11	1,1 а сонли ер участкаси, «Назарбек» ж/х		2	400,0	36000,0
12	2,2 а сонли ер участкаси, «Назарбек» ж/х		2	400,0	36000,0
13	3,3 а сонли ер участкаси, «Назарбек» ж/х		2	400,0	36000,0
14	4,4 а сонли ер участкаси, «Назарбек» ж/х		2	400,0	36000,0
15	5,5 а сонли ер участкаси, «Назарбек» ж/х		2	400,0	36000,0
16	6,6 а сонли ер участкаси, «Назарбек» ж/х		2	400,0	36000,0
17	7,7 а сонли ер участкаси, «Назарбек» ж/х		2	400,0	36000,0
18	8,8 а сонли ер участкаси, «Назарбек» ж/х		2	400,0	36000,0
19	9,9 а сонли ер участкаси, «Назарбек» ж/х		2	400,0	36000,0
20	10,10 а сонли ер участкаси, «Назарбек» ж/х		2	400,0	36000,0
ЖАМИ:			40	16000,0	1440000,0

Жумладан, Зангиота тумани «Бўзеув» ва «Наврўз» жамоа хўжаликларидидаги бино ва иншоотлар, автокорхоналарга қарашли «ГАЗ» русумли автомобиллар ҳам «Ким ошди» савдосига қўйилади. Бошланғич нархи 20 000 сўмдан 100 000 сўмгача.

ПАРКЕНТ ТУМАНИ БЎЙИЧА:					
Участка	майдони ҳудуд	жойлашган	ер участкалари сони	бир ер участкасининг майdonи (кв.)	Участканин бошланғич нархи (сўм)
1	1-20 сонли ер участкаси, Чанги посёлкаси		20	400,0	5600,0
2	1-20 сонли ер участкаси, Навдак посёлкаси		20	400,0	5600,0
3	1-20 сонли ер участкаси, Санданак посёлкаси		20	400,0	5600,0
4	1-20 сонли ер участкаси, Шампань посёлкаси		20	400,0	5600,0
5	1-6 сонли ер участкаси, Қорақалпоқ посёлкаси		6	400,0	5600,0
6	1-10 сонли ер участкаси, Сўқоқ посёлкаси		10	600,0	8400,0
7	1 сонли ер участкаси, Сўқоқ посёлкаси		4	400,0	5600,0
8	1-5 сонли ер участкаси, Самсарак посёлкаси		5	400,0	5600,0
9	1-6 сонли ер участкаси, Гулбоғқўрғон посёлкаси		6	400,0	5600,0
10	1-10 сонли ер участкаси, Бўстон посёлкаси		10	400,0	5600,0
11	1-10 сонли ер участкаси, Намданак посёлкаси		10	400,0	5600,0
12	1-10 сонли ер участкаси, Кумушқон посёлкаси		10	400,0	5600,0
13	Чўққайма массивида		10	400,0	9920,0
14	Куйгантоғ массивида		12	400,0	9920,0
ЖАМИ:			138	57200,0	800800,0
ПАРКЕНТ ТУМАНИ БЎЙИЧА «КИМ ОШДИ» САВДОСИГА ҚўЙИЛАДИГАН САВДО ВА МАИШЕЙ ХИЗМАТ КўРСАТИШ ИНШОТЛАРИ					
1.	Бўстон посёлкасидаги 37-дўкон —		116,59		22774,4
2.	Чанги посёлкасидаги ҳаммом —		316,5		305356,7
3.	Намданак посёлкасидаги чойхона —		223,32		59314,2
4.	Бўстон посёлкасидаги ошхона —		231,99		28521,5
5.	Паркент шаҳри, Коммуна кўчасидаги чойхона —		212,48		123737,4
ЖАМИ			1100,88		539704,2



ХАЛҚ СЎЗИ НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Анвар ЖўРАБОВ.

БЎЛИМЛАР:
Парламент 33-57-34;
Хатлар 33-07-48;
Мерос ва қадриятлар 36-29-89;
Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;
Иқтисодийёт 36-36-65;
Маънавият 36-35-60;
Тўғри муҳарририят 33-10-28;
Эълолар 36-09-25.

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.
Набатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Набатчи — Ф. Юсупов.